Инв. 260195

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 21 январь, шанба №10(21.773.) Сотувда эркин нархда.

ИСЛОҲОТ ЙЎЛИДА ЯНАДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК

Илгари хабар қилинганидек, 18 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда айрим вазирликлар раҳбарлари иштирокида мажлис бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловдан кейин вилоят, туман ва шаҳарларда ўтказилган биринчи ташкилий сессияларнинг якунлари, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Республика Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга бўлган сайловнинг Ўзбекистон ҳаётидаги ўрни, одамлар онгига таъсири катта аҳамиятга эгадир, деди Президент Ислом Каримов. Зеро, у демократик руҳда, муқобиллик асосида ўтгани билан халқаро миқёсда ҳам юртимиз обрўсига обрў қўшди. Сизларни ана шундай кескин курашда халқ ишончига сазовор бўлганингиз — депутат этиб сайланганингиз билан табриклайман. Қолаверса, Маҳаллий кенгашларнинг биринчи ташкилий сессияларида ҳам мана шу ерда ўтирган ҳокимларга юксак ишонч билдирилди, модомики ҳокимлар — Президентнинг жойлардаги вакили экан, мен буни ўзимга билдирилган ишонч каби қабул қиламан.

Аввал айтганимдек, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотнинг биринчи босқичи якунланди. Биз бу даврда, аввало, давлат бошқарув тизимини шакллантириб олдик. Маҳаллий кенгашлар, маҳалла оқсоқоллари йиғинлари ҳозирги осойишталик ва барқарорликнинг пойдевори бўлиб хизмат қиляпти, десак хато бўлмайди. Мустаҳкам бошқарув тизими қабул қилинган Фармон ва қарорларнинг юқоридан қуйи поғонагача етиб боришини таъмин этмоқда. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бошқача айтганда, бошқарув тизими мустаҳкам бўлсагина иш юришади.

Ўтказилган сайловнинг энг катта сиёсий аҳамияти — ана шу тизимни шакллантириб олганимиздир. Энди асосий иш шу тизимни жонлантириш, улуғвор вазифаларни бажара оладиган ҳолга келтиришдан иборат.

Бу туман ва шаҳар кенгашларини қандай одамлар бошқаришига ҳам боғлиқ. Биз бугун шу масалани пухта ўйлаб ҳал қилишимиз лозим. Чунки ҳамма иш — ислоҳотнинг амалга оширилиши ҳам, аҳолининг таъминоти ҳам, ободонлаштириш ҳам кўп жиҳатдан ҳокимларнинг даражасига, қатъиятига боғлиқдир.

Конституцияга биноан вилоят ҳокимларини Президент тавсия этади. Мен кимни шу масъулиятли лавозимга лойиқ топган бўлсам — унга ишонч билдирганимдир. Бошқача айтганда, мен уларнинг кафолатини зиммамга оламан. Вилоят ҳокимлари эса туман ва шаҳар ҳокимлигига муносиб номзодларни топиб, тақдим этишлари ҳамда уларнинг фаолияти учун жавоб беришлари шарт. Бундай лавозимларга масъулиятсиз, қатъиятсиз, йўлдан тоядиган, халқ ҳақига хиёнат қиладиган одамлар тасдиқланиб қолмаслиги керак.

Илгари юртимиздаги тинчлик, осойишталик — энг катта бойлигимиздир, деган эдим. Яна бир улкан давлатимиз эса мана шу юрт фуқароларининг, халқимизнинг юксак ишончидир. Ҳаммамизга ана шу ишончни оқлаш насиб этсин. Халқни меҳр-оқибатли қилиш, бир мақсад йўлида бирлаштириш борасида чеккан заҳматларимиз, қийинчиликларимиз, билингки, ҳеч қачон зое кетмайди. Одамлар ҳамма нарсани, кимнинг қандайлигини доим кўриб, билиб туради.

Сайловда учта сиёсий-ижтимоий куч — Халқ демократик партияси, маҳаллий ҳокимлик вакиллари ҳамда «Ватан тараққиёти» партиясидан кўрсатилган номзодлар депутатлик мандати учун курашди ва энг муносиблар бу юксак ишончга сазовор бўлди, дея таъкидлади Ислом Каримов. Энди ҳар бир депутат уни қайси сиёсий куч тавсия этган бўлса, амалий фаолиятида ана шу партия ёки ҳокимлик органининг дастурига амал қилиши, унинг ғояларини олға суриши даркор. Бундай деяётганимнинг сабаби шуки, баъзи депутатлар бошқа сиёсий куч ҳомийлиги остида мандатга эришиб, энди ўзини бошқа партия вакили деб эълон қилмоқда. Марказий сайлов комиссияси ҳам бундай ҳолларга бефарқ қарамаслиги керак. Қисқаси, ҳар ким ўзини тавсия этган, сайловда қўллаб-қувватлаган сиёсий куч номидан иш кўрсин.

Шу маънода Олий Мажлисда ҳам, маҳаллий кенгашларда ҳам турли фракциялар, блоклар ташкил топиши мумкин. Зеро, демократик тамойиллар шуни тақозо этади. Бир масала хусусида турли-туман фикрлар, қарашлар бўлиши, уларни таққослаб, ақл тарозисидан ўтказиш орқали бир тўхтамга келиш одатий ҳолга айланмоғи керак. Фақат ҳар кимнинг мана шу ҳаётни ўзгартириш, янада яхшилаш борасида ўз ғояси бўлсин. Бошқача айтганда, мақсад бир — унга етишмоқ йўли турлича бўлиши мумкин. Бундан кўз юммаслик керак. Қолаверса, парламент фаолиятида, умуман жамиятда фикр эркинлиги, ғоялар ранг-баранглиги бўлмаса, айниқса, унга йўл берилмаса, тараққиёт, олға силжиш қийинлашади. Яқин ўтмишимиз — бунинг яққол далилидир.

Яширишнинг ҳожати йўқ, бизда эскидан қолган бир иллат бор: «Яшасин, якдиллик» деган хитобларга ўрганиб қолганмиз. Гўё биров сал бошқача фикрласа, ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетадигандай хавотирга тушамиз. Унга душманимиздай қараймиз. Энди у замонлар ўтди. Ҳар қандай фикрни муҳокама қилиб, ҳақиқат баҳсларда туғилади, деган ақидага амал қилиб, энг маъқул, энг тўғри йўлни топиш мумкин. Фақат Конституция доирасида, ортиқча ҳою-ҳавасга, шовқин-суронга берилмасдан ҳаракат қилиш керак, холос. Очиқ, демократик давлат барпо этишнинг йўли шу ва биз бу йўлдан қатъият билан бораверамиз. Чунки, барчамизнинг энг эзгу мақсадимиз бир, у ҳам бўлса — ҳуқуқий, демократик жамият қурмоқ, эркин иқтисодиёт барпо этмоқ. Авлодларга озод ва обод ватан қолдирмоқдир.

Митингбозлик, бақир-чақирлар авжга чиққан йиллардаги шиорларни эслайлик, деди Президент. Улар асосан ватан мустақиллиги, тилимизга давлат мақомини бериш, пахта яккаҳокимлигини тугатиш, экологик вазиятни яхшилаш, деҳқонларга ер бериш, эркин

(Давоми 2-бетда).

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ИНҚИЛОБИЙ ҚАДАМ

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган кунга бир йил тўлди.

Ислом КАРИМОВ:

Ниҳоят, азиз дўстлар, 21 январдаги фармон дунёга келди. Бу фармон нафақат ўзимизда, балки қўшниларимизда ва ҳатто узоқ чет элларда ҳам диққат билан ўрганилаётгани бежиз эмас.

Бу фармоннинг мазмунини лўнда қилиб, ***иқтисодий эркинликнинг кучайиши,*** *деб ифодалаш мумкин. Мазкур фармон бизга нималар берди?*

Биринчидан, *мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни юксак босқичга кўтаради.*

Иккинчидан, *ҳар бир ишбилармон ва тадбиркорга кенг имкониятлар очади.*

Учинчидан, *жаҳон бозорига чиқиш йўлимизни кенгайтиради.*

Тўртинчидан, *эски маъмурий-буйруқбозлик замонидан қолган тўсиқларни йўлимиздан олиб ташлайди.*

ТАДБИРКОРГА ҚАНОТ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги Фармони мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга қанот бахш этди: ишбилармон тадбиркорларга катта эркинлик берди! Мана, бир йил бўлдики, ишлашни хоҳлаган, хусусий мулкга эгалик қилиб, Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилишга бел боғлаган мардлар учун кенг фаолият майдони очилди. Бу фармоннинг амалий натижалари тадбиркорларнинг рўёбга чиқаётган ишларида яққол кўриниб турибди.

Наманган вилояти Чуст туманидаги Олмос қишлоғида истиқомат қилувчи ишбилармон Саидкамол Акромов яқинда «Семурғ» хусусий ишлаб чиқариш корхонасини очди. Бу корхона ишга тушгач, қишлоқ аёлларидан 35 нафари иш билан таъминланди. Бундан ташқари улар республика бозорини маҳсулот билан тўлдиришдек хайрли ишга ўз улушларини қўшишмоқда.

СУРАТДА: фирма бошлиғи Саидкамол Акромов туман бош меъмори Низомали Бойназаров билан мулоқотда.

Т. МАҲКАМОВ (ЎзА) олган сурат.

МУСТАФОНИНГ МОЙ КОРХОНАСИ

Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида «Бахмал» деб аталувчи хусусий фирма бор. Унга ХДП аъзоси, тадбиркор Мустафокул Исканов раҳбарлик қилади. Фирма жамоаси шу пайтгача Россия ва бошқа МДҲ давлатларидан қурилиш ашёлари олиб келиб сотар эди. Улар замон зайлига қараб ўз хизмат турларини кенгайтириб боришяпти. Фирма қошида ташкил этилган «Мадина» ўзбек-хитой қўшма корхонаси яқинда пахта ёғи ишлаб чиқара бошлади.

Корхонани Урумчи шаҳридаги коммуникация ва автоуловлар илмий - текшириш институти ходимлари барпо этдилар. «Бахмал» фирмаси билан тузилган шартномага кўра корхонада ишлаб чиқариладиган пахта ёғидан олинадиган даромад тенг бўлинади.Корхона ҳар куни 10 тонна чигитни қайта ишлаб, ундан 1,2 — 1,4 тоннагача ёг, 600 — 800 килограмм кунжара ва 40 — 50 килограмм совун хом ашёси олади.

Хитойлик мутахассис Чу Сан Миннинг айтишига қараганда, қўшма корхонанинг мой чиқариш дастгоҳлари чигит, зиғир, кунгабоқар, кунжут каби мойли экинлар билан бир қаторда ерёнғоқ ва ўрик данагидан ҳам мой олади. Шунингдек, юқори сифатли алиф ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш мумкин.

Қўшма корхонага «Мадина» деб ном берилди. Шуниси диққатга сазоворки, фирма жамоаси қўшма корхонани хом ашё билан ўзлари таъминлаш ҳақида жон куйдирмоқда. Шунинг учун ҳам улар ўтган йил бир гектар майдонга махсар экини экишиб, ундан бир тоннадан зиёд ҳосил йиғиб олдилар. Бу йил эса ана шу ҳосил ҳисобидан камида 15 гектар майдонда махсар ўстирилади. Туман ҳокимлиги қўшма корхонани қўллаб-қувватлаш мақсадида жамоа ихтиёрига яна 18 гектар ер ажратишни режалаштирди.

«Мадина» ўзбек-хитой қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган пахта ёғи жуда сифатли ва хуштаъм эканини соҳа мутахассислари ҳам, истеъмолчилар ҳам алоҳида эътироф этмоқдалар. Инқилобий фармон яратган кенг имкониятлар туфайли корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, Дўстлик тумани аҳолиси кундалик эҳтиёжлари учун давлат савдо ташкилотларидан ҳам, тижорат тармоқларидан ҳам пахта ёғи олишга ҳожат қолмайди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ. «Ўзбекистон овози» мухбири.

«УМИД»ДАН УМИД КАТТА

Фурқат тумани марказидаги «Умид» фирмаси ҳовлисида қатор тизилган қишлоқ хўжалик машина ва механизмларида фирманинг хос ёрлиғини кўрасиз. Фирманинг ўз заводи йўқ.

Хабарингиз бор, бултур ёзда ўрим техникасига эҳтиёж жуда катта бўлди. Ҳар бир комбайн, эҳтиёт қисм тутиё ҳисобланади. Шундай шароитда «Умид» фирмаси раҳбари Турсунали Позилов Барнаулдан «Сибирь» комбайнларини келтиришга эришди. Ҳозирги пайтда фирма Волгоград, Барнаул трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари, Курск, Волхов шина заводлари, Подольск аккумулятор заводи каби МДҲдаги ўнлаб корхоналар билан алоқа ўрнатган. Фирма республикамизга юк ташиш тракторлари, уларнинг прицеплари, ўрим комбайнлари, енгил ҳамда юк автомашиналарининг шиналари, эҳтиёт қисмлари олиб келмоқда. Бу кичик корхона нафақат Фарғона вилояти, балки қўшни давлатларга ҳам хизмат кўрсатади. Масалан, Қирғизистон Республикаси учун фирма 100 та тракторни Россиядан сотиб олишда воситачилик қилди. Ҳозирги пайтда унинг ихтиёрида 46,5 гектар ер бор. 270 бош қорамолнинг 80 таси голланд зотли маҳсулдор сигирлардир.

Айни пайтда ушбу муъжаз корхона 472 минг сўмлик асосий воситаларга эга. 1994 йилни 570 минг сўм фойда билан якунлади. «Умид» маблағи ҳисобига катта йўл ёқасида қурилган қўркам ошхона ва чойхона бинолари аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Турсунали Позилов маълумотига кўра ҳуқуқшунос. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки пайтларда мазкур фирмани ташкил этди. Бунинг учун «Томоша» ижара хўжалигининг кераксиз дала шийпони биносини сотиб олди. Даставвал дурадгорлик буюмлари тайёрлайдиган устахона қурдирди. Кейинроқ эса хўжалик ва ташкилотлар аҳоли учун зарур бўлган тахта, ёғоч, шифер, металл қувурлар, турли буёқларни Россия, Украина ва бошқа давлатлардан келтира бошлади. Айниқса, мамлакат Президентининг аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги фармонларини бажаришда «Умид» фирмаси келтирган қувурлар иш берди.

Турсунали мақтанишни ёмон кўради. Бироқ, айрим хусусий фирма, корхона ва фермер хўжаликларида ишларнинг юришмай бир жойда депсиниб туришларига ачинади.

— Маблағларни тез айлантириш — тадбиркорликнинг бош мезонидир, — дейди у.

Унинг ниятлари катта. Минг бош қорамолга мўлжалланган мажмуа, замонавий гўштни қайта ишлаш корхонаси қуриш каби қатор хайрли ишларни бошлаш арафасида.

Шундай тадбиркорлар омон бўлса, юртимиз тобора ривожланаверади. Ҳа, «Умид»дан умид катта!

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ МАҲМУД УСМОНОВга

Қадрли Маҳмуд ота!

Сиз қадимий ўзбек халқ амалий санъатининг ноёб тури — ганч ўймакорлиги соҳасида кўп йиллар мобайнида самарали меҳнат қилиб келяпсиз. Сизнинг бетакрор маҳоратингиз жумҳуриятимизда савлат тўкиб турган ўнлаб муҳташам кошоналарга афсонавий ҳусн бағишлаб турибди. Уларда халқимизнинг буюк ижодий қудрати, истеъдоди барқ уради.

Сиз улкан санъаткор бўлиш билан бирга, ўз ҳунарини дариг тутмай, ёшларга беминнат ўргатиб келаётган саховатли қалб эгаси, халқ эъзозлаган устасиз. Бугунги кунда кўплаб шогирдларингиз сизнинг эзгу ишларингизни давом эттириб, ўзбек ганчкорлик мактабини бойитмоқдалар.

Сизнинг машаққатли, айни пайтда шарафли меҳнатингиз ҳамиша юксак тақдирланиб келди. Давлат мукофотларининг совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ рассоми деган фахрий унвонларга эгасиз.

Қадрли Маҳмуд ота!

Сизнинг фидойи меҳнатингиз, ғайрат-шижоатингиз келажаги буюк давлатимизнинг ёш авлодига ҳамиша ибратдир.

Сизни муборак ёшингиз билан самимий қутлайман! Сизга сиҳат-саломатлик, фароғатли умр тилайман. Бахтли мўйсафидлик гаштини суринг, омон бўлинг!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германиянинг «Тиссен Хандельсунион АГ» концерни бошқаруви аъзоси Ханс Ульрих Грубер бошчилигидаги мазкур концерн вакилларини қабул қилди.

Ислом Каримов германиялик ишбилармонлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганини таъкидлаб, дунёга машҳур «Тиссен» концерни билан нефть ва газ, тоғкон саноати ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳаларида ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар мавжудлигини айтди.Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари меҳмонларга Ўзбекистонда хорижий тадбиркорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида сўзлаб берди.

Ханс Грубер самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистоннинг бир неча вазирлик ва муассасалари вакиллари билан оғир саноат, машинасозлик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка оид музокаралари самарали бўлганини айтди. У ўзбекистонлик ҳамкорлар ҳам германиялик тадбиркорлар каби синчков ва омилкор эканини қайд этиб, бу келгуси режаларни амалга оширишда катта аҳамият касб этишини таъкидлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ў.Султонов, Ю. Пайгин иштирок этди.

Қабул чоғида Германиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ИСЛОҲОТ ЙЎЛИДА ЯНАДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

иқтисодиёт барпо этиш, миллий қадриятларни тиклашдан иборат эмасмиди? Бугун, айтинглар-чи, ана шу ишлардан қайси бири амалга ошмасдан қолди? Бизга ўзини мухолиф санайдиганлар ҳам ҳақиқатнинг юзига тик қараб, шу саволга жавоб берсин! Уларнинг яна нима армони қолди?

Ҳаммасига осойишта, тинч йўл билан, миллатлар орасига нифоқ солмасдан, ҳеч кимни камситмасдан эришса бўлар экан-ку! Агар ўша пайтда қуруқ ваъдаларга учиб, йўлимиздан адашиб кетганимизда нима бўларди? Бундай адашишларнинг аянчли оқибатларини ён қўшниларимиз ва бошқа кўплаб собиқ иттифоқ республикалари мисолида кўриб турибмиз-ку! Хайриятки, халқимиз, унинг онгли қисми тўғри йўлни танлай олди.

Ҳамма мана шу ҳақиқатни, ҳаёт ўзгариб бораётганини тўғри тушуниб олиши, айниқса раҳбарлар буни чуқур ҳис этиши, дунёқарашини ўзгартириши, фаолиятини бугунги кун мезонларига мослаб ташкил этиши шарт, дея таъкидлади Ислом Каримов. Акс ҳолда, у замон талабларига жавоб бераолмайди, охир-оқибатда аравадан тушиб қолади. Шуни таъкидлаш керакки, баъзи ҳокимларда кадрларга нисбатан талабчанлик етишмаяпти, янги кучлардан — билимдон, ўзидан устун ёшлардан чўчиш, уларга йўл очиб бермаслик кайфиятлари бор. Бу бир кун келиб панд бериши мумкин. Қолаверса, айрим жойларда ҳокимлар майда хўжалик ишлари билан ўралашиб қоляпти. Оқибатда эл-юртни ободонлаштириш, аҳоли таъминотини, ҳаёт шароитини яхшилаш борасидаги ишлар кўнгилдагидек амалга оширилмаяпти. Ҳолбуки, халқ етакчиси бўлган ҳар бир раҳбарнинг энг муқаддас бурчи — одамларга ғамхўрлик қилиш, уларни бирлаштириш, сиёсатимиз — эзгу мақсадларимиз йўлида жипслаштиришдан иборатдир. Чунки йўл қурилса — ободлик бўлади, газ келса — ҳаёт тарзи ўзгаради, сув — одамларга саломатлик бахш этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги ишлар кўнгилдагидек эмас, деди Ислом Каримов. Бунинг сабаби шундаки, кўплаб ҳокимлар боқимандалик кайфиятидан ҳали ҳам халос бўлолгани йўқ. Ҳамма республика ҳукумати таъминлайдиган — марказлашган манбаларга кўз тикиб ўтирибди. Бизнинг бугунги энг катта душманимиз — боқимандалик. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларнинг бир қисмини ўзида етиштиришга, камини ўз йўли билан четдан олиб келишга етарли ҳаракат йўқ. Бironта вилоятнинг бу борадаги топшириқни бажармагани шундай хулоса чиқаришга мажбур қилади. Ўзингиз ўйланг, Жиззах вилоятида лалми ерлардан бор-йўғи 7 центнердан ҳосил олинганини, аҳолиси кўп бўлган Фарғона вилоятида — 62 минг гектар ерга дон экилганини қандай баҳолаш мумкин? Қорақалпоғистондаги аҳвол бундан ҳам баттар! Ёки машаққат билан келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг четга чиқиб кетаётганига чидаб бўладими? Қисқаси, ҳар бир вилоят аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқсин. Марказдан қанча маҳсулот олади, ўзи қанчасини топади — буни келишиб олсин. Ҳукумат ўзига тегишли қисмини етказиб беради. Муҳими, ҳар бир дўконда бўлиши белгилаб қўйилган ун, ёғ, шакар, чой каби саккиз турдаги маҳсулот доимо турсин. Токи одамлар ишонч билан, хотиржам яшасин.

Лекин бу ўринда ўзингни бил, ўзгани қўй қабилида иш бўлмаслиги керак. Ўзбекистон яхлит мамлакатлигини унутмайлик. Масалан, Хоразмда ортиқча гуруч бўлса, Қашқадарёда ғалла бор. Четга юргандан кўра, улар ўзаро маҳсулот алмашса, яхши эмасми?

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотнинг амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга, деди Президент. Чунки бу халқ хўжалигининг барча соҳаларига таъсир этади. Қишлоқ хўжалиги ўзгармас экан, ҳаётда ўзгариш бўлмайди. Бунинг учун эса шу соҳада хусусийлаштиришни жой-жойига қўйиш керак. Афсуски, биз бунга ҳали тўла эриша олганимиз йўқ. Негаки, энг катта камчилик — ҳамон расмиятчилик кучли. Давлат, жамоа хўжаликларининг номи, мулк шакли ўзгарган билан моҳият ўзгармаяпти. Ҳамон ўша раҳбар, қотиб қолган раҳбар бошқарув тизими билан жойида ўтирибди. Энг ёмони — ислоҳот йўлида тўсиқ ғов бўляпти. Бунга барҳам берилмас экан, токи ҳар бир деҳқон ерга, ишлаб чиқариш воситаларига ўз мулким деб қараб, шунга яраша муносабатда бўлмас экан, мақсадга эришиш қийин.

Бу борада кескин чоралар кўриш, фермерларни қўллаб-қувватлаш зарур. Завод ва жамоа, деҳқон хўжаликлари иштирокида агрофирмалар тузиш, уларга бир киши эмас, балки ана шу фирма бошқаруви раҳбарлик қилиши керак. Гўшт, мева, узум маҳсулотларини қайта ишлашда ҳам шундай йўл тутиш лозим. Хуллас, ҳокимликлар, олимлар бу борада бир фикрга келиб, ўз тавсияларини беришлари даркор.

Қишлоқ хўжалигига дахлдор ҳар бир ташкилот — у банкми, техника таъминоти билан шуғулланадими — барчаси шу соҳада ҳақиқий ислоҳотни амалга ошириш учун жон қуйдирмоғи шарт. Ҳеч ким бу ишдан четда турмаслиги керак.

Мамлакатда ҳисоб-китоб ишлари ҳам пухта бўлмоғи лозим. Чунки хорижий давлатлар ана шу ҳисоб-китобларда қайд этилган кўрсаткичларга қараб бизнинг иқтисодий салоҳиятимизни баҳолайди, муносабатда бўлади. Қолаверса, ўзимиз ҳам шунга қараб муаммоларимизни аниқлаб оламиз.

Бир мисол: биз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайди, деймиз. Собиқ иттифоқда ҳар бир киши ўртача 68 килограмм гўшт истеъмол қиларди. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 26-28 килограмм эди. Ҳозир 40 килограммдан ортди. Хўш, бизда гўшт ишлаб чиқариш камайдими, ортдими?

Биз устивор йўналишлар — ғалла ва нефть мустақиллигига эришишни мақсад қилган эдик. Худо хоҳласа, қолган соҳаларда ҳам ўзимизни ўзимиз таъминлайдиган даражага етамиз. Чунки иқтисодий мустақилликнинг нечоғли аҳамиятга эга эканини халқимиз теран тушунади.

Бу йил катта синов йили бўлади. Биринчи босқич даврида қилган саъй-харакатларимиз илк натижаларини бера бошлайди. Қолаверса, мақсадимиз аниқ унга етишиш йўлларини танлаб олдик, ниятимиз эса холис. Кимнингки нияти пок бўлса, яратган ҳам қўллайди, дейдилар. Зеро, мана шу барчамизга азиз бўлган ватан, заҳматкаш халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилишдан ортиқ савоб йўқдир, деди Ислом Каримов пировардида.

Йиғилишда Республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот бердилар. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг бу борадаги ҳисоботлари тингланди.

Аҳмад ХЎЖА,
(ЎзА).

Жиззахдаги пластмасса буюмлари заводида бугунги кунда 60 турдаги халқ истеъмоли буюмлари тайёрланаяпти. Бу маҳсулотларга талаб тобора ортиб бормоқда. Зеро уларнинг сифати яхши, безаги ҳам жойида. Корхона доимий равишда даромадга эга бўлмоқда. Бу ишчиларнинг маошида ҳам ўз аксини топмоқда. Ишчилар ҳар ойда 800 сўмдан зиёд маош олаётирлар.

Мана шундай мураккаб иқтисодий даврда ишлаб чиқаришни ана шундай юксак даражада ривожлантиришга қандай эришиляпти? Албатта тадбиркорлик билан иш юритилгани туфайли. Иқтисодий алоқалар узилиб кетганига қарамай, жиззахликлар Россиядаги ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилишяпти.

Суратларда: 1.Қуюв цехининг илғор ишчиси Холбуви Ортиқова. 2.Цех бошлиғи Учқун Соатов, ишчи Дилором Хўжамқулова, завод директори Ҳайдар Ҳусанов ва ишчи Гулчеҳра Ҳасанова.

Б.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Хабарингиз борми?

КЎҲНА ШАҲАР НУФУЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия бюроси ҳамда «Ўзбекистон овози» рўзномаси таҳририяти аъзоси, Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носиров мэрларнинг шаҳарлараро бирodарлик доирасидаги жаҳонда тинчлик учун конференциясига аъзо қилиб олинди. Ҳамюртимиз номзодининг мазкур ташкилот президенти, Хиросима мэри Такаши Хираока томонидан таклиф этилганлиги муҳимдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қўллаб-қувватланаётган бу конференция дунёдаги 92 мамлакатнинг 393 шаҳари мэрларини бирлаштириб турибди.

Дарвоқе, шу йилнинг кузида қадимий шаҳар 2500 йиллигининг нишонланганига 25 йил тўлади.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Ўқиган банданинг ҳақ ёри бўлсин

МЕНИНГ ҚАЛБИМ АЛАМЛИ, ОҲ...

Бу дунёда бор бўлса, юрак бағри бутуни,
Қоғоздан ўчоқ ясай, гулдан қилай ўтини.

Неча кундирким, хаёл исканжасидан қочиб қутилолмайман. Юрсам ҳам, турсам ҳам, қулоғим остида аччиқ-аччиқ фарёд, ўтли нола садо бераверади. Қулоқларимни кўлларим билан беркитаман. Лек, кўз ўнгимда, юз-кўзлари йиғининг зўридан қизариб, шишиб кетган, ўттизга кирибкирмай ўтин бўлаёзган аёл илтижо билан ёлвориб мунгли термулгандек бўлаверади, бўлаверади. Асаб торларим қаттиқ тортилиб: ўзимни қўярга жой тополмайман. Ва хаёлан яратганга қараб муножот этаман. «Эй худо! Эй етти дўзаху, саккиз жаннатни яратмоққа қодир бўлган парвардигори олам! Бандаларингни бунёд этиб, яна улар бошига чексиз жабру жафолар солмоқдан муддаоинг недур? Синамоқ истадингми, уларнинг сабру бардошини?! Ёхуд бир-бирга ёв бўлиб, бир-бирининг қонин тўккан бандаи мўминларинг хиёнати қаҳру ғазабингни қўзғатдими? Одил тангрим барча яратганларингни бир кунда қуриб, ҳўлу қуруқни баравар ёндирмасанг не тонг эди?! Куфур кетдим, кечиргайсан. Ахир не қилай, аёл — она фарёди тоғу тошни эритса?!»

Азиз ўқувчи! «Бирodаркушлик» деб аталган машъум уруш фожиаларидан яна бирига нигоҳ ташланг. Ҳамдард бўлинг, жигаргўшаларидан айрилиб, қанотларидан қайрилиб, қумри шўрида янглиг фарёд ураётган онаизорга!

Ўшал куни, ишхонамга ранглари заъфарон, сўлгин чеҳрали бир аёл кириб келди. Сочларида қорасидан оқи кўп бу аёлни қирқ-қирқ беш ёшларни қоралаган бўлса керак, — дея гумон қилдим.

Аёл саломлашиб, қаршимдаги стулга чўкди. У нечундир асабийлашганданми, ҳаяжонданми:

— Биласизми, ҳеч қачон кўрмаган бўлсам ҳам барибир сизни яхши кўраман. Ёзганларингизни ўқиб, сизга нисбатан меҳр пайдо бўлганди менда. Менга ёрдам беринг!

Узини Мавлуда деб таништирган бу аёл бошидан кечирганларини оҳиста ҳикоя қила бошлади:

— Болалигим Регар шаҳрининг Пахтаобод қишлоғида ўтди. Тенгқурларим билан мол боқардик, ўт ўрардик, пахта терардик. Кўпроқ ўғил болалар билан чиқишардим. Ўта шаддод, шўх бўлганлигим учунми, улар билан бемалол кураш тушардим. Шунга, қўни-қўшнилар ҳам «Худо ўғил қилиб яратиши керак экану, қиз бўлиб туғилибди», — деб кулишарди. Йўлимда бирор-бир тўсиқ йўқ, ота-онам бағрида шоду хандон, қайғу алам билмай ўсардим. Чунки уларнинг тилаб-тилаб олган ягона фарзандлари эдим-да. Ой чиқса ҳам менга чиқарди, кун чиқса ҳам. Ўрта мактабни тугаллагач ҳужжатларимни Душанбе шаҳридаги кооператив техникумига топширдим. Энди ёшликнинг олтин даври билан маст эдим.

Иккинчи курсда ўқиб юрганимда қишлоқ хўжалиги олийгоҳида таҳсил олаётган Мирзокарим деган қумсангирлик йигит билан танишиб қолдим. У билан бир-биримизга меҳр-муҳаббат қўйгандик. Ота-оналаримиз рози-ризолиги билан 1980 йилда тўйимиз бўлиб ўтди. Ҳамма-ҳаммаси кечагидай ёдимда. Мирзокарим ҳам отасига ёлғиз фарзанд. Шунинг учун менинг онам, қизимни узоққа бермайман, деб икки оёқни бир этикка тиқиб олганида дадам:

— Эр қайда бўлса хотин ҳам ўша ерда бўлиши керак, — деб тўйга розилик берган эдилар.

Умр йўлдошим ҳам, оила аъзолари ҳам мени еру кўкка ишонишмасди. Қайнонам билмаганларимни ўргатгар, овқатимнинг тузи кам ёки ортиқ бўлса ҳам мақтаб-мақтаб ердилар. Йўл узоқ бўлишига қарамай, тез-тез келиб, ота-онамдан хабар олиб турардик. Ўн икки йил мобайнида уч фарзандимиз учун шукрона айтиб, турмушимизни ширин-шакар ўтказардик. Токи унга оғу қўшишгунча!

Тожикистонда бўлган қонли уруш даҳшатлари Қумсангирни четлаб ўтмади. Ҳамма ёқни хонавайрон этган жангарилар бизга ҳам ўз кучини кўрсата бошлади. Адолат тантана қилаётганда, пайтаваларига қурт тушиб қолди. Лекин улар шундоқ қочишмади. Қанчадан-қанча техника ва қуроллар билан бирга тинч аҳолини ҳам қатордаги қўйдек олдиларига солишди. Рози бўлмаганларни жойида отиб ташлашарди. Ўша даҳшатли кеч ҳеч эсимдан чиқмайди. Бутун қишлоқ аҳлини ўртага йиғиб, «Ҳамманг дарёнинг у юзига ўтасан, ўтмасанг жойингда отиласан», — деб дағдаға қила бошлашди автомат ўқталиб. «Қизиқ, ким кетмоқчи бўлса, кетаверсин-да, биз нимадан қўрқамиз», — деб уйлардик.

Йўқ, аслида биз гаровбанд эканмиз. Бу адолатсиз, ҳақсизликка чидай олмаган умр йўлдошим Мирзокарим: «Ўлсак ҳам ўз юртимизда ўламиз, мен ҳам, оилам ҳам ҳеч қаёққа бормайди», — деб туриб олди. Унинг қатъиятини кўриб, кўз ўнгимизда, энг даҳшатлиси, фарзандларим ва қайнонамнинг кўзи ўнгида отиб ташлашди. Агар сенлар қаршилик қилсаларинг қиймалаб ташлаймиз, дейишди важоҳат билан. Қий-чув, дод-фарёд билан оломонга қўшилиб, дарёнинг у юзига, афғон тупроғига ўтиб кетганимизни ҳам билмай қолдик. У ерда бошдан кечирган ит кунларимизни душманнинг бошига ҳам солмасин экан. Қоча-қоча ўзимиз билан бирор-бир ортиқча кийим-бош ҳам ололмагандик. Кимлардир ҳатто машиналарию, иссиқ кўрпа-тўшакларигача кўтариб, дарёнинг у бетига ўтган бўлса, биздек мискин бечоралар, остимизга тунаш учун оддийгина шолча ҳам ололмагандик. Афғон пашшаларини қўяверингу, узун тунлар суяк-суягимизгача ўтиб кетган совуқнинг таъсиридан кўзга уйқу келмасди. Икки боламни қучоқлаб, бошларини тиззамга қўйиб, тун кечаларида, туғилиб ўсган қишлоғим, ота-онам, дўсту дугоналарим, қолаверса, гўё афсонага айланган Тожикистоним ёдга тушиб зор-зор йиғлардим. Тақдиримга, урушни ўйлаб чиқариб, бизни хору сарсон этган, ўз юртимиздан бегона этиб, мусофир юртларга рангимизни заъфарон этган ғанимларга лаънатлар ўқирдим. Баъзан эса кўз ёшларим дарё бўлиб нола қилардим:

Бу мусофир шаҳрида ҳар дам тутошиб ёнаман.
Ҳар қаён борсам агар йўлдан адошиб бораман.
На отам бор, на онам бор, ҳеч кимим йўқдир маним,
Ҳар таги деворларда, сарсон-саргардонаман.

Афғон тупроғига ўтган маҳалладошларим тасалли беришарди: «Бунча хуни бирён бўлманг, кўпга келган тўй экан, сиздек ғарибу ғурабо бўлганлар кам эмас, кўз очиб теварак-атрофга боқинг», — дейишарди... Теварак атрофга боқардиму, кўз ўнгимда қонга беланган умр йўлдошим, сочларини юлиб фарёд ураётган онажоним, отагинам гавдаланарди, холос. Тангримдан ёлвориб сўрардим: «Эй худо, замонани тинч қил! Тезроқ юртимизга қайтайлик. Болаларимнинг тўрт мучаси соғ-омон бўлсин»!

Йўқ! Худонинг ҳам қаҳри қаттиқ экан. Мен бечорага раҳми келмай, икки кечада икки боламнинг ҳаёт гулини бевақт сўндирди. Э воҳ, бирданига икки болам, икки кўзимдан ажралсам-а?! Қандоқ чидай фалакнинг бу бедодлигига?!

«Раҳимжоним!» — деб дод соламан, «Олимжоним!» — деб фарёд ураман. Қани энди мўъжиза юз берсаю биттагинаси бўлса ҳам кўзини очса?

Мўъжиза рўй бермади. Иккови ҳам мени доғда қолдириб кетишди. Мен эса телбага айлангандим. Икки боламнинг мурдасини бағримга босганча дод солардим: «Болаларимни ҳеч кимга бермайман! Мусофир юртга ташлаб кетмайман!»

Девонавор бир ҳафта уларни бағримдан қўймай, ҳеч кимни яқинимга йўлатмадим. Яна кекса маҳалладошларим насиҳат қилиб, уларни олишди ва жаноза ўқишди. Болагиналаримга бир парча кафан ҳам топилмай, устларидаги кийимлари билан кетди.

«Уларни шу аҳволда кўргунча икки кўзим нурлари оқиб тушса бўлмасми?! Улар азоб чекиб ўлгунча, қаро ер мени тортса бўлмасмиди? Онажон! Отажон! Қайдасизлар?! Эркалаб устирган қизларингиз ҳолига бир назар ташланг! Адо бўлди қизингиз, ғарибу ғадо бўлди қизингиз. Умр йўлдошидан, икки фарзандидан айрилиб хору-зор бўлди қизингиз», — тупроқ қучиб, тўлғониб, кўз ёшимга эрк берардим.

Ҳафталаб нон, сув тотмадим. Бахти қаронинг жонини яратганнинг ўзи ҳам олмас экан. Бағрим қуриб обу адо бўлсам ҳам оёққа турдим. Ҳамроҳларим бир бурда, қотган нонини ҳам менга илинишарди. Ота-онамдек бошимни силаб, таскин беришарди. Бизни зўрлик билан афғон тупроғига олиб ўтганлар, қумга тушган игнадек йўқ бўлишган эди...

Тожикистонда қонуний ҳукумат қайта тикланиб, адолат қарор топгандан кейин, бироз бўлса-да, шикаста қалбимизда умид чироғи қайта ёнгандек бўлди. Ахир, қайси она ўз фарзанди ёт ерларда хор-зор бўлиб юришига чидайди. Тожикистон бизнинг онамиз-ку! Ҳукуматимиз вакиллари яшаб турган жойимизга бориб биз ватангадолар билан суҳбатлашди. Тиб ходимлари беморларнинг дардларига малҳам қўйишди. Буларни кўриб, яна дардим зўрайди: «Эртароқ нечун келишмади, ҳеч бўлмаса биттагина болам ҳаётини сақлаб қолишарди-ку», — алам билан инграйман.

Бизни она туроғимизга қайтармоқчи бўлишганда, қулоқларимизга ишонмасдик. Гўё яна телба бўлиб қолгандим. Ахир нега телба бўлмай?! Иккита гулдек жигаргўшамнинг қабри ёт элда қоляпти-ку. Бунга қандоқ чидай?! Қандоқ?! Бориб икки ўғилчамнинг қабрини қучиб фарёд урардим, дод солиб бошимга тупроқ сочиб, юрагимнинг икки парчаси билан видолашардим. Ғўянда эмасдиму, бу дам ғўяндалар ҳам менинг қошимда лол эди. Ҳаммаҳамма менинг ҳолимга ачинардию, не деб тасалли беришни билишмасди, зеро қулоғимга на тасалли кирардию, на насиҳат. Мени беҳуш ҳолда машина кузовига чиқаришибди. Ҳушимга келганимда яна ўзимни ҳар ён урардим: «Бағри тош оналаринг ўлсин, болаларим. Сизларни ёт элга ташлаб келган оналаринг тезроқ ўлса бўлмасмиди, кўзмунчоқларим...»

Тожикистон чегарасига етганимизда, ҳамма каттакичик, эркак-аёл кўз ёшига эрк бериб йиғларди. Она юртимизга етиб келганимизга ишонмасдик. Тожикистон тупроғига қадам қўйганимизда, биринчи қилган ишимиз, она ер тупроғини ўпдик, кўз ёшларимиз билан она ер тупроғини ювдик.

Барча маҳалладошлар ва менга суяниб қолган қайнонам билан уйимизга келганимизда, аянчли манзаранинг гувоҳи бўлдик. Уй-жойларимиз бойқуш вайронасига айланган эди. Уй турида дастаси синган бешик, болагиналаримни оқ ювиб, оқ тараб устирган бешик турарди. Дод солиб бешик сари югурдим. Уни қучоқлаб ўпиб, ҳидлаб йиғлайвердим, йиғлайвердим. Биласизми, ундан иккала боламнинг — Раҳимжоним билан Олимжоним ҳиди келарди. Эсим яна кирди-чиқди бўлиб қолганди. Буш бешикни тебратиб аллақаёқдандир эшитган қўшиғимни айта бошладим:

Менинг қалбим аламли оҳ, дилим садпора йиғлайдур.
Ғўдаксиз уй ичинда бўш бешик оввора йиғлайдур.
Таралса хандалар ҳар ён, агарки давраларда, оҳ.
Тушунгандек ситам дардим, фалак ошкор йиғлайдур.

Кундан-кунга сўлиб бораётганимни кўриб, маҳалламиз оқсоқоли Нуриддин ота, қайнонам билан мени Душанбега ота-онам ҳузурига кузатиб қўйишди. Политехникум массивига яқинлашарканман, маҳалланинг бошидан фарёд уриб югурдим. Орқада эса бир ўғил, икки набира ва бир телба келин ғамида адои тамом бўлаётган қайнонам — онагинам судралиб келардилар кўз ёшлари селоб бўлиб...

Бутун маҳалла-қўй кўчага чиққанди. Мавлуда қиз ҳолига ачиниб йиғлашарди бариси. «У ёққа» ўтиб кетганимни эшитишган экан улар. Кимдир югуриб ота-онамга хабар беришибди. Бечора онагинам дод солиб чапак чалиб йиғлаб югурарди мен томон: «Ўлиб кетган ёлғизим келди қайта тирилиб» деб. Ортларидан отажоним кўз ёшларини тиёлмай югурардилар: «Қани менинг кўрар кўзим», — деб.

Отажоним ўлим ёқасидан тирик қайтиб келган қизларининг пойига новвос суйдилар. Яна дўсту дугоналарим, ота-онам теграмда парвона. Касалхонада даволаниб ҳам чиқдим. Лекин қалб жароҳатини кетказиш қийин экан. Баъзан туриб-туриб жазавага тушиб қоламан, дод солиб қичқираман, тушларимда қўрқиб туриб кетаман. Ҳаётнинг қизиғи ҳам қолмабди менга. Гоҳо шайтон васвасага солади «Узингни ос!» «Узингга ўт қўй!» — деб. Беихтиёр арқон излаб қоламан, арқонни сиртмоқ қилиб бир неча марта оғилхонада ўзимни осмоқчи бўлдим. Лекин уддасидан чиқолмадим, йўқ, ўлимдан қўрққаним йўқ! Балки менинг ўлимимдан сўнг, ёлғизларидан ажраб қолган кекса ота-онам қай аҳволга тушиб қолади, фарзанд доғи мени кемириб адо қилгандай, уларни ҳам оёқдан йиқитмайдими? Ана шуларни ўйлаб, калима қайтардим, тавба қилдим.

Мана, «Ўлмаган қул ризқини топиб» юраверaркан. Менинг бошимга тушган жабру жафоларни эшитиб, шаҳринавлик курсдошим Латофат хабар олгани, кўнгил сўрагани келган экан. «Бироз ғуборларингизни ёзасиз», — деб уйларига таклиф этди. Гапдан-гап чиқиб, сизни ғойибона танишимни айтдим ва ҳузурингизга келдим...

...Сочлари қордек оқарган, ҳисобсиз ажин пешонасида чуқур из қолдирган, ҳаёт азоб-уқубатлари билан роса ҳориган бу аёлга ҳаммамиз ҳамдард бўлардик, тасалли берардик. Мен эса кўзларимга ёш тўлиб урушни, уни ўйлаб чиқариб, минг-минглаб хонадонларни мотам оғушида қолдирган одам шаклидаги махлуқларга лаънатлар ўқиб, инсониятни хушёрликка чақиргим келди:

Оламни сақланг, дўстлар,
Одамни сақланг, дўстлар.
Она тилидан тушмас.
Боламни сақланг, дўстлар.

Гуландом БЕГИМ.
Шаҳринав тумани.

Таҳририятдан:

Муҳтарам газетхон!

Тожикистонда чоп этилаётган «Ҳақ сўз» газетасининг 1995 йил 1-сонидан олинган мазкур мақолани ҳеч ким вужуди титрамасдан ўқий олмаса керак. Бирodаркушлик уруши бир оилагаки шунчалар даҳшатли асоратлар қолдирган экан, шундан унинг ҳақиқий миқёсини тасаввур этиш мумкин. Умумий уйимиз — Марказий Осиё минтақасида жойлашган Тожикистонда содир бўлган даҳшатли манзаралар ҳақида ўқиганимизда беихтиёр тинчлик ва осойишталик барқарор Ўзбекистонимизга кўз тегмасин, ана шу осойишталикни таъмин этиб турган юртбошимиз бахтимизга омон бўлсин дегимиз келади. Зотан, Президентимиз Тожикистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун муттасил ва изчил курашмоқда. Зотан, Ислом Каримов бир неча бор БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Голийнинг эътиборини шу масалага қаратди, 1993 йил 28 сентябрда Нью-Йоркда, Бош Ассамблеянинг 48-сессияси минбарида туриб жаҳон ҳамжамияти олдига Тожикистон масаласини қўйди. Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда: юқоридаги мақолада айтилганидек, Тожикистонда қонуний ҳукумат қайта тикланиб, адолат қарор топмоқда. Таҳририят газетхонлар эътиборига ушбу мақолани тақдим этар экан, ҳамма жойда, жумладан қўшни Тожикистонда ҳам тинчлик ва осойишталик барқарор бўлсин, деган эзгу ниятни билдиради.

Ўзбекистон Республикаси "Совға" пул-буюм лотереяси бўйича 1994 йил 28-29 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

МАЪЛУМОТНОМА ЖАДВАЛИ

Тиражда лотереянинг қирқ разрядига умумий миқдори 140 млн. сўмлик 2476000 та пул-буюм ютуқлари ўйналди.

Ютуқ тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар лотереянинг бошқа разрядларидаги шундай серия ва рақамларга эга бўлган билетларга ҳам тўланади. Масалан, серия рақами 001386, билет рақами 065 бўлган лотерея билети "Tico" автомобили ютганлиги кўрсатилган.

Бу худди шу ютуқ ҳамма разряддаги шундай серия ва рақамли билетларга ҳам чиққанлигини билдиради. Бошқа ютуқлар ҳам шундай тартибда ўйналган. Серияси ва рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди:

Серия рақами	Билет рақами	Ютуқнинг номи	Буюмнинг баҳоси (сўмда)
000001	018*)	"Антошка" болалар аравачаси	850
000016	063*)	Электр дазмол	280
000036	063*)	Болалар аравачаси	1100
000038	043*)	"Семурғ" телевизори	2500
000043	013*)	Юмшоқ мебел тўплами	5000
000052	039*)	Юмшоқ мебел тўплами	5000
000055	092*)	Электр миксер	400
000081	003*)	"FUNAI" видео жуфтлиги	24750
000098	061*)	8 шоҳли қандил	1100
000099	024*)	"Антошка" болалар аравачаси	850
000109	092*)	Аёллар палтоси	600
000124	095*)	Юмшоқ мебел тўплами	5000
000128	013*)	Юмшоқ мебел тўплами	5000
000135	071*)	Иситгич	1300
000136	012*)	"Петров" шохмоти	870
000142	001*)	"Семурғ" телевизори	2500
000146	096*)	Аёллар палтоси	600
000149	071*)	6 шоҳли қандил	1300
000152	085*)	"Семурғ" телевизори	2500
000156	005*)	"Семурғ" радиоприёмниги	700
000187	087*)	"Семурғ" телевизори	2500
000198	004*)	6 шоҳли қандил	1300
000201	037*)	Юмшоқ мебел тўплами	5000
000207	042*)	Эркаклар костюми	500
000208	055*)	"Семурғ" телевизори	2500
000211	001*)	"Петров" шохмоти	870
000218	062*)	Эркаклар костюми	500
000231	064*)	"Антошка" болалар аравачаси	850
000235	025*)	Аёллар палтоси	600
000236	028*)	Болалар аравачаси	1100
000245	070*)	Электр дазмол	280
000253	096*)	Ошхона мебели тўплами	4500
000258	082*)	Стол чироғи	1290
000279	059*)	"Семурғ" телевизори	2500
000288	034*)	Иситгич	1300
000304	042*)	Юмшоқ мебел тўплами	5000
000306	078*)	Болалар аравачаси	1100
000324	040*)	Иситгич	1300
000333	034*)	"Петров" шохмоти	870
000359	077*)	3 шоҳли қандил	940
000367	046*)	Эркаклар костюми	500
000369	056*)	12 шохли қандил	1350
000379	035*)	Ошхона мебели тўплами	4500
000381	026*)	Ошхона мебели тўплами	4500
000388	009*)	"Семурғ" телевизори	2500
000392	053*)	Стол чироғи	1290
000405	100*)	"FUNAI" видео жуфтлиги	24750
000408	015*)	"Семурғ" телевизори	2500
000443	063*)	Электр дазмол	280
000444	026*)	3 шоҳли қандил	940
000446	1-100	1 кийимлик хонатлас (5 м)	1000
000448	046*)	Стол чироғи	1290
000462	056*)	Стол чироғи	1290
000467	039*)	Иситгич	1300
000471	037*)	"FUNAI" видео жуфтлиги	24750
000472	074*)	Юмшоқ мебел тўплами	5000
000508	058*)	Девор кўзгуси	1275
000521	063*)	"FUNAI" видео жуфтлиги	24750
000539	005*)	"Петров" шохмоти	870
000541	031*)	Стол чироғи	1290
000544	081*)	Болалар аравачаси	1100
000547	071*)	"Семурғ" телевизори	2500
000611	033*)	Аёллар палтоси	600
000613	011*)	"Петров" шохмоти	870
000637	043*)	"Семурғ" радиоприёмниги	700
000649	090*)	"Антошка" болалар аравачаси	850
000667	019*)	3 шоҳли қандил	940
000671	084*)	"Петров" шохмоти	870
000674	069*)	Болалар аравачаси	1100
000676	012*)	"Антошка" болалар аравачаси	850
000682	064*)	"Петров" шохмоти	870
000707	073*)	Ошхона анжомлари тўплами	35
000715	054*)	"Семурғ" телевизори	2500
000721	066*)	Электр дазмол	280
000729	015*)	Аёллар палтоси	600
000738	033*)	Электр миксер	400
000744	043*)	Девор кўзгуси	1275
000756	001*)	Стол чироғи	1290
000757	020*)	Юмшоқ мебел тўплами	5000
000764	002*)	Аёллар палтоси	600
000779	1-100	Ванна тўплами	750
000793	007*)	Стол чироғи	1290
000798	092*)	"Антошка" болалар аравачаси	850
000801	058*)	Юмшоқ мебел тўплами	5000
000806	033*)	Стол чироғи	1290
000808	074*)	Болалар аравачаси	1100
000818	100*)	Болалар аравачаси	1100
000830	044*)	"Семурғ" телевизори	2500
000832	022*)	"Семурғ" телевизори	2500
000837	083*)	Ошхона мебели тўплами	4500
000838	094*)	Аккумулятор	500
000845	066*)	Болалар аравачаси	1100
000846	007*)	Болалар аравачаси	1100
000847	021*)	Эркаклар костюми	500
000854	085*)	Электр дазмол	280
000879	078*)	Ошхона мебели тўплами	4500
000890	056*)	"Семурғ" радиоприёмниги	700
000894	027*)	Ошхона мебели тўплами	4500
000906	034*)	"Антошка" болалар аравачаси	850
